

## **БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

*Акрамова Шахноза Аброровна*

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети “Ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори*

*Аннотация. Мазкур мақола оилада бола ҳуқуқларини таъминлашда ижтимоий ҳамкорликнинг долзарб масалаларига бағишланган. Хусусан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асослари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, жамоатчилик назоратининг самардорлиги ёритилган ҳамда уларни амалга оширишга доир амалий тавсиялар берилган.*

*Калит сўзлар: бола ҳуқуқи, оила мустақамлиги, вояга етмаганлар, жамоатчилик назорати, ҳуқуқбузарлик, назоратсизлик.*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРАВ РЕБЕНКА**

*Акрамова Шахноза Аброровна*

*Доктор педагогических наук, профессор кафедры «Военно-патриотическое, духовно-просветительское воспитание и социальная работа с молодежью», Университета общественной безопасности Республики Узбекистан*

*Аннотация. Данная статья посвящена актуальным вопросам социального сотрудничества в обеспечении прав ребенка в семье. В частности, освещаются основы защиты прав ребенка, профиль неконтролируемых нарушений и правонарушений среди несовершеннолетних, эффективность общественного контроля, даются практические рекомендации по их реализации.*

*Ключевые слова: права ребенка, сплоченность семьи, несовершеннолетние, общественный контроль, преступность, неконтролируемость.*

## **CURRENT ISSUES OF SOCIAL COOPERATION IN ENSURING THE RIGHTS OF THE CHILD**

*Akramova Shakhnoza Abrorovna,*

*Doctor of Pedagogical Sciences, Professor of the Department of «Military-patriotic, spiritual and educational education and social work with youth», University of Public Security of the Republic of Uzbekistan*

*Abstract. This article is devoted to topical issues of social cooperation in ensuring the rights of the child in the family. In particular, it highlights the fundamentals of protecting the rights of the child, the profile of uncontrolled violations and delinquency among minors, the effectiveness of public control, and gives practical recommendations for their implementation.*

*Key words: child rights, family cohesion, minors, public control, crime, uncontrollability.*

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, ёшларимиз тарбиясига нега бу қадар муҳим вазифа сифатида қаралаётгани Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг жорий йилдаги Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимидаги куйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: «Бугунги кунда кўпмиллатли халқимиз, Ватанимиз тараққиёти учун, Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврини яратиш йўлида белини маҳкам боғлаб, фидо-корона меҳнат қилмоқда. Бу йўлда улкан орзу-умидлар, катта режалар билан сафимизга қўшилаётган ёшларимиз – асосий таянчимиз ва суянчимиздир» [4].

Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб ҳар бир йилга шу давр ичида тараққиётнинг муҳим йўналишларини ифода этадиган ном бериш анъанага айланган. Хусусан, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили”, 2014 йил “Соғлом бола йили”, 2016 йил “Соғлом она ва бола йили”, 2021 йилни эса “Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили”, 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилингани ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш йўлида навбатдаги залворли қадам бўлди. Мазкур йиллар Дастурларида бошқа кўплаб соҳалар қатори ёшларнинг, болаларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонуний асосни такомиллаштириш борасида устувор вазифалар белгилаб берилмоқда.

Истиклол йилларида мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди – бир қатор қонунлар қабул қилинди ва уларда бола ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилди. Хусусан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Қонуни 2021 йилнинг 9 августидан эътиборан

кучга кирди [6]. Болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, болалар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, ногиронлиги бўлган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсур Фармоннинг асосий мақсади ҳисобланади.

Юртимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлиги конституциявий асосда этироф этилади. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича олтмишдан зиёд халқаро ҳужжатлар, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бу соҳада қабул қилинган олти асосий халқаро шартнома қатнашчиси сифатида ўз зиммасига олган ҳолда халқаро мажбуриятларни мунтазам равишда бажариб келмоқда. Инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз борар экан, энг аввало, бола ҳуқуқлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Зеро, инсон шахси айнан болаликда шаклланади, тобланади. Бола ҳуқуқлари ҳимояси таъминланган жамиятдагина келажакнинг чинакам ворислари камол топади, ўзига бўлган ишонч ва ҳурмат туйғуси ортади. ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари шундай таъкидлайди: «Болалар болаликнинг беғубор дамларидан баҳра олишга ҳақлидирлар».

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция” Ўзбекистон Республикаси томонидан дунёнинг 193 давлати қаторида 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда Бола ҳуқуқларига оид давлат сиёсатининг шаклланиши учун мустаҳкам асос яратилган. [2] Бола ҳуқуқлари ҳақидаги универсал расмий кодекс ҳисобланган конвенциянинг бош мақсади болалар манфаатини юқори даражада ҳимоя қилишдан иборат. Унинг моддалари бола ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга — яшаш, ривожланиш, жамият ҳаётида фаол иштирокини ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилган. Улар замирида болаларда ватанпарварлик, дўстлик, миллатлараро тотувлик каби фазилатлар шакллантирилиши лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси халқаро ва умуммиллий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ҳуқуқий манбадир. Унда бола тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши, вояга етмаганлар таъминоти, оилавий муҳитдан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш, фарзандликка олиш, мурувватга муҳтож болаларга яшаш, тарбияланиш ва таълим олиш учун шароитлар яратиш, ўз фикрини эркин ифода этиш ҳамда ҳуқуқларини мустақил равишда ҳимоялаш масалаларига алоҳида аҳамият берилган.

Ҳар қандай жамият тараққиёти соғлом оила муҳитига боғлиқдир. Соғлом оилада фарзанд ҳар томонлама баркамол бўлиб етишади. Шунингдек, руҳан носоғлом оила муҳитида тарбия топаётган болалар оиладаги доимий зиддиятлардан безиб кетиб, кўпинча кўчага чиқиб кетади. Бевақт кўчада юрган болаларнинг кўпчилиги жиноят иштирокчилари бўлиб қолмоқда. Носоғлом оила муҳитида яшайдиган шахсларда жиноятга мойиллик даражаси кўпроқ бўлиб, бундай ҳолат уларнинг руҳиятидаги бузилишлар сабабли юз беради.

Ўзбекистонда вояга етмаган болалар муаммосига у ёки бу даражада алоқадор бўлмаган бирорта ташкилот ёки шахснинг ўзи йўқ. Бироқ, бу ташкилотлар ва шахсларнинг болалар билан ишлашда ҳар бирининг ўз ўрни, ўз аҳамияти ва таъсир кучи бор. Бизнинг фикримизча, вояга етмаганлар қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг энг самарали йўли бу жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва оиланинг мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлашдан иборатдир. Мавжуд “Оила – маҳалла - мактаб” концепциясини бу ҳамкорликдаги ишларда янада кучайтириш керак.

Давлатимиз Қомусида ҳам ана шу масалага бевосита оид 64-моддасида шундай дейилган: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлар...», 65-моддада эса «Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» [1], деб қафолатланган.

Демак, ота-она жамиятнинг асоси бўлган оиланинг етакчи аъзолари, вояга етмаган фарзандлари учун давлат ва жамият олдида биринчи маъсулдирлар. Маълумки, миллий менталитетимизда бува, буви, ота-она, ўғил-қиз фарзандлар аҳил, тинч яшаётган оила мукамал оила ҳисобланади. Афсуски, кундалик турмушимизда нафақат нотўлиқ ва нотинч, ёлғиз оналик, балки тўлиқ оилаларда ҳам балоғатга етмаган ёшларнинг қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги учрайди.

Вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани самарали ижтимоий ҳимоя тизимини жорий этиш ҳамда ёшларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Ушбу кўрсаткичнинг ўзиёқ масала нечоғли долзарб аҳамиятга эга эканидан дарак беради. Бу жараёнда ота-она, маҳалла-қўй, таълим муассасалари, умуман, кенг жамоатчилик зиммасига улкан масъулият юкланади. Агарда жамоатчилик органларининг оила билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилса, бола ҳеч қачон назоратсиз қолмайди ва бола томонидан содир қилинадиган ҳуқуқбузарликларнинг олди олинган

бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрь ЎРҚ-263-сонли “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун жамиятда вояга етмаган бола томонидан содир қилинадиган тартибсизликларни, ҳуқуқбузарликларни вақтида олдини олишга хизмат қилувчи ҳужжат ҳисобланади ва ушбу қонуннинг асосий мақсади вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг – профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. [3]

Инсонга, яхшиликка ишончини йўқотган болани ёмон йўлдан қайтариш жуда қийин бўлади. Маҳалларларда тарбияси оғир, вояга етмай жиноят ишига қўлга уриб, қайтиб келган ёшлар билан ишлашда маҳалла фаоллари, ҳудудий хотин-қизлар кўмитаси вакиллари ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлиги яхши натижалар бермоқда. Аммо бизнинг мақсадимиз вояга етмаганларнинг жиноят йўлига жиноят йўлига киришларига йўл қўймаслик, мабодо шу йўлга кириб, жазони ўтаб қайтган бўлса, унинг онгига жамият, маҳалла уни чиқитга чиқариб ташламаганига, келгусида бу кўнгилсизликлар унутилиб, улар ҳам жамиятнинг илғор кишилари бўлиши мумкинлигига ишонтаришдан иборатдир. Бу ишончи оила ва жамоат ташкилотлари органлари мустақамлиги таъминлай олади. Шунингдек, “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенция”сининг 40-моддасида таъкидланганидек: “Жиноий қонунчиликни бузган деб топилган, қонунни бузишда айбланаётган ёки айбдор деб топилаётган ҳар бир боланинг унда кадр-қиммат ва аҳамиятига моликлик ҳис-туйғусини тарбиялайдиган, болада инсон ҳуқуқларига ва бошқаларнинг асосий эркинликларига ҳурматни мустақамлайдиган ҳамда бунда боланинг ёши ва ўзини ўнглаб олиши, жамиятда фойдали ўрин тутишига кўмаклашиш истаги ҳисобга олиннадиган ҳуқуқини эътироф этадилар.” [7]

Оила мустақамлиги вояга етмаганлар ҳуқуқи таъминланишининг энг олий кўринишигина бўлиб қолмай, уларнинг қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини олдини олишнинг ҳам энг асосий пойдеворидир.

Вояга етмаганлар ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг яна бир йўли, улар ҳуқуқини бузаётганлар, салбий таъсир кўрсатаётганларга қарши курашдан иборатдир. Бола табиати нозик ва ҳиссиётга берилувчан бўлади. Улар энг кичик ноҳақликка ҳам чидай олмайдилар ва осонгина жиноят йўлига кириб кетади. Жиноятчилар у учун ҳақиқат учун курашувчанлар бўлиб туюлади.

Айрим ота-оналарнинг ўз болалари тақдири билан қизиқмаётганлиги, ҳатто баъзи болаларнинг вояга етгунга қадар туғилиши қайд этилмасдан келинаётгани ҳолатлар мавжудлиги, бу эса болалар ўртасида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланмаган қатламнинг вужудга келишига, улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сонининг ошиб кетишига, шундай гуруҳ болаларни зарур вақтларда фарзандликка бериш, уларга васий ва ҳомий тайинлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида нафақа тайинлаш, ўқув муассасаларига жойлаштириш жараёнларида бир қатор ҳуқуқий муаммоларни вужудга келтиради. Биз болаларни нопок ота-оналардан ҳимоя қилишимиз керак. Афсуски, ота-она жабридан қочиб, дайдиб юрган болалар ҳам талайгина. Бу борада ҳуқуқ-тартибот органларининг самарали хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар ана шундай болаларни топиб, ота-онаси ёнига қайтаришга, ота-оналар ўзлари тарбияга муҳтож бўлсалар давлат қарамоғига ўтказиш борасида хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Бозорда ширинлик ўғрилаган ёки майда безорилик қилган дайди боланинг юзига тарсаки тортиш, сўкиш ёки кўрқитишдан осон иш йўқ. Уни бу йўлдан қайтариш, нима учун бу аҳволга тушиб қолганини аниқлаш ва тўғри йўлга солиш қийинроқдир. Шунинг учун бу ишларда сабрли бўлиб, ҳамкорликда болани келажакда тўғри йўлга солиш борасида чора-тадбирларини узлуксиз тарзда олиб боришимиз талаб этилади.

Вояга етмаганлар орасида қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олдини олиш учун биз бир қанча тавсияларимизни қайд этиб ўтмоқчимиз:

1. Маҳалла жойлашган ҳудудни ҳисобга олган ҳола бола назоратини олиб бориш. Чунки, маҳалла ҳудудида бозорлар, кўнгилочар хиёбонлар мавжудлиги болани назоратда ушлаб туриш ва ҳуқуқбузарликка нисбатан профилактик ишларни олиб боришда бир қанча муаммоларни туғдиради. Шу қаторида маҳаллалар кўп қаватли бинолар, ҳовлилар, котеджлар, дала ҳовлилар, кишлоқ овуллардан таркиб топганлигини қайд этиб ўтиш керак. Чунки ҳовлилардан иборат маҳаллаларда миллий анъаналаримиз кучли бўлгани учун болалар тарбиясини кузатиш ва уни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бироз қулайликларни яратади. Аммо, афсуски, кўп қаватли бинолардаги хонадонларда яшаётган инсонлар баъзан қимлигини ҳам билмайди. Бу ерда қўшни болалар нималар билан машғул эканига аҳамият бермайдилар. Ўз эшикларини ёпиб олиб, ҳудудда ҳатто подъездларида ҳуқуқбузарлик содир этилаётганини билсалар ҳам, “менга нима” қабилида лоқайд бўладилар. Бу эса ҳаммамизни қийнаётган муаммолардан биридир.

2. Маҳаллаларда 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг аниқ маълумотлар базасини оила, мактаб билан ҳамкорликда шакллантириш зарур. Шу ўринда бу маълумотларда боланинг яшаш шароити, соғлиғи, хулқ-атвори, қайси мактаб, ўрта махсус таълим муассасасига бориши, у ердаги давомати ҳақида қайдлар

бўлиши керак. Чунки, боланинг сурункасига ўқишга бормай қолган ҳолатларини сезган масъуллар ўз вақтида назоратни қўлларига олишга муваффақ бўладилар.

3. Боланинг қаровсизлиги, ўқишга бормай қўйганлиги ва бошқа салбий ҳолатлар сабабини ҳамда оила муҳитини доимо назоратда ушлаб туриш. Бола умуман қаровсиз бўлса, ота-она ўз масъулиятларини бажармаса, у ҳолда уларни меҳрибонлик уйларига жойлаштириш масалаларини кўриб чиқиш керак.

4. Болалар билан ишлаш, маҳалла-оила ҳамкорлигини таъминлашда психолог ва педагоглар билан ишлаш жуда муҳим. Чунки, ҳар бир ота-онага ўз боласи азиз бўлганидек, гарчи бола ҳуқуқбузарлик ҳолатларини содир этган ҳолатларида ота-она учун “боланг ёмон” деган гаплар ёқмайди. Бундай ҳолатларда ота-онага ҳам, болага ҳам қўлланилган тўғри психо-педагогик ёндашув ҳуқуқбузарлик бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг акс таъсирини бермайди.

Одатда, вояга етмаганлар ҳуқуқлари деганда, уларни моддий жиҳатдан таъминлашни тушунамиз. Бу қисмангина тўғри. Юқорида қайд қилганимиздек, Қомусимизнинг 64-моддасида эса болани фақат боқиш эмас, тарбиясига ҳам тенг урғу берилган [1]. Бу эса вояга етмаганларнинг маънавий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш демакдир.

Жамият бор экан, болалар билан ишлаш муаммоси мавжуд бўлади. Ҳозирги авлод ўрнига янгиси келади. Уларнинг ютуқлари, камчиликлари, ҳуқуқбузарликлари ҳам ўзига хос бўлади. Шунга қараб, вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини бартараф этиш йўллари ҳам ўзгариб боради. Бироқ, бу ишларда оила ва жамоат ташкилотлари ва ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳамкорлиги энг мақбул тадбир бўлиб қолаверади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Томирларида буюк боболаримизнинг қони оқаётган ёшларимиз улўғ аجدодларимизнинг муносиб ворислари бўлиши, улар каби улкан мақсадлар сари интилиб яшаши ва юксак марраларга эришиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишимиз зарур. Янги Ўзбекистон ёшлари ана шундай юксак даражаларга кўтарилиши учун барча имкониятларни ишга соламиз” [5]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023. 80б.
2. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил 7 январь. ЎРҚ-139-сон. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
3. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2010 йил 29 сентябрь, ЎРҚ-263-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. Электрон ресурс: <http://www.uzbekistan.org.ua/uz/yangiliklar/5541> Мурожаат қилинган сана: 20 ноябрь 2021 йил
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. 464б. Б.263.
6. Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2021 йил 9 август ПФ-6275-сон. Электрон ресурс: <https://lex.uz/docs/5570490> Мурожаат қилинган сана: 20 ноябрь 2021 йил
7. Ўзбекистондаги болалар вазиятининг таҳлили 2019-2020. UNICEF: Бирлашган Миллатлар ташкилоти Болалар Фонди томонидан нашр этилган, 2020. 131б.